

Туркияда юзлаб талабалар Қуръонни ёд олишди



10:30 / 14.12.2021 1884

Туркиянинг шимоли-шарқидаги Ризе вилоятида Қуръони Каримни ёд олган юзлаб талабаларнинг битирув маросими бўлиб ўтди. Жами 571 нафар талабалар Қуръони Каримни ёд олишди ва шулардан 149 нафар хотин-қизларга сертификатлар топширилди.

Маросимда Қуръон ҳофизлари, устозлар ва битирувчи талабаларнинг оила аъзолари иштирок этишди. Хусусан, тадбирда сўзга чиққан Туркия Дин ишлари бўйича вице-президенти ўринбосари (Диянет) доктор Иброҳим Ҳилми Карсли Қуръон ўргатишнинг инсониятга, тинчлик ва ахлоққа хизмат қилишини таъкидлаб ўтди. У Қуръонни ёдлаган битирувчиларга мамлакатда араб тилини ривожланишида муҳим роль ўйнашини, шунингдек, Қуръон таълимотининг кўрсатмаларига амал қилиш

зарурлигини ҳам қўшимча қилди.

Ушбу вилоят муфтийси Наси Чакмакчи йиғилганларни қутлаб, талабаларга Қуръони Карим оятлари ва моҳиятини биладиган солиҳ ёшларни тарбиялашга интилишларини таъкидлади.

Тадбир жараёнида бир гуруҳ битирувчи талабалар Қуръондан қисқа сураларни ўқиб бердилар. Кейин 571 нафар битирувчи талабаларга Қуръон ҳофизи гувоҳномалари ва эсдалик совғалар топширилди.

Хуршид Маъруф тайёрлади